Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 15 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 52 (7049)

Da'vat

Ўз оиласи, насл-насаби билан фахрланиш ватанпарварлик туйғусига чуқур ҳамоҳангдир.

Ислом Каримов

Ibrat

Косон туманидаги Абу Райҳон Беруний ва А.Набиев номли жамоа хужаликлари ўғил-қизларга дарсликлар сотиб олиш учун Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси ҳисоб рақамига 200000 сум пул ўтказишди.

Мустақиллигимизнинг 7 йиллик тўйига 47 кун қолди

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони («Маърифат» 1997 йил 11 январь).

«Устоз Республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори («Маърифат» 1997 йил 31 декабрь).

«Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори («Маърифат» 1998 йил 16 май).

«Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори («Маърифат» 1998 йил 16 май).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

С.С. Ғуломовни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Саидаҳрор Саидаҳмедович Ғуломов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 10 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

О.У.Салимовни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида

Оқил Умурзоқович Салимов пенсияга чиқиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкентшаҳри,
1998 йил 10 июль

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов 8 июнь куни Самарқанд вилоятида бўлиб, у ерда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллик тўйига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

JUMLADA JAHON

Япония парламентининг Олий палатасига сайловларда либерал-демократик партияси мағлубиятга учраганлигида ўзини айбдор, деб ҳисоблаётган мазкур партия раҳбари, Япония бош вазири Рюторо Хасимото истеъфога чиқанлиги ҳақида баёнот берди.

Афғонистон собиқ президенти Бурхониддин Раббоний мамлакатда тинчлик ўрнатиш бўйича Покистон пойтахтида бошланган музокаралар-нинг боши берк кўчага кириб қолганлигидан ачиниб, шимолий иттифоқ вакиллари толиблар билан тинчлик музокаралари ўрнатишга тайёр эканлигини билдирди.

Munosabat

БИЗ УЧУН ЭНГ ОҒИРИ ИНСОНИЙ ТАЛОФАТДИР

Маълумки, яқинда Фарғона вилоятининг Шоҳимардон қишлоғида юз берган сув тошқини натижасида қишлоқдаги айрим тураржой, маданий-маиший, савдо ва умумий овқатланиш биноларига зарар етказилган, йўл ва кўприклар бузилган, алоқа тармоқлари ишдан чиққан, энг ачинарлиси, инсоний талофат қурилган эди.

ЎзА хабарига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 июль куни Шоҳимардон қишлоғида бўлди. Мамлакатимиз раҳбари табиий офат оқибатида зарар кўрган ҳудудларни кўздан кечириб, ҳукумат комиссияси бажараётган ишлар билан танишди. Президентимиз ҳукумат комиссияси аъзоларига ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларига тошқин келтирган талофатни тезда бартараф этиш юзасидан аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Ҳалок бўлган 91 одамнинг рўйхатини тузиб чиқиш, уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишда расмиятчиликка йўл қўймаслик, марҳумларнинг маросимларини ўтказишга кўмаклашиш, сув йўлларини бир меъёрга солиш, дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш лозимлигини юртбошимиз алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Шоҳимардонда автомобиль йўллари, электр таъминоти, радио ва телефон алоқасини мунтазам йўлга қўйиш, бу ишларга қўшни вилоятлардаги мутахассисларни жалб этиш, қурилиш ишларини жадаллаштириш, аҳолига зарур тиббий хизмат кўрсатиш эпидимеологик ҳолатни пухта урганиш, одамларни керакли дори-дармонлар билан таъминлаш, офатдан зарар кўрганларга моддий ёрдам бериш кечиктириб бўлмас вазифа эканлигини уқтириб ўтди. Йўлбошчимиз бундай кўнгилсиз ҳолларнинг бошқа такрорланишига йўл қўймаслик мақсадида Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳудудларида ана шундай хавфли дарё ўзанларида доимий кузатув пунктларини ташкил қилиш, бу ишга етакчи мутахассисларни жалб этиш, Шоҳимардон қишлоғида бетон қоришмалари, асфальт тайёрлаш тармоқларини қайта тиклаш зарурлигини алоҳида уқтирди. Мамлакат Президенти тошқин оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этди.

Фарғона аэропортида Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашди. Юртбошимиз суҳбат чоғида бундай тошқинларнинг олдини олиш, қурбонлар бўлишига йўл қўймаслик мумкин эканлигини таъкидлади ва журналистлар эътиборини Шоҳимардонда юз берган сел ва тошқинларнинг тарихини ўрганишга қаратди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бизнинг матбуотимиз бундай пайтларда рақамларни дастак қилиб, шов-шув қўтариш йўлидан бормасдан, узбекона босиқлик ва ақл-идрок билан иш кўради.

«Бузилган кўприкни тикласа бўлади, янги уй-жойни ҳам қуриш мумкин. Биз учун энг оғири инсоний талофатдир. Ҳалок бўлганларни қайтариб бўлмайди», деди давлатимиз раҳбари. Президентимиз дин аҳлини табиий офат тўфайли ҳалок бўлганлар хотирасига жума куни фотиҳа ўқишга чақирди.

Халқимизнинг «ўт балосидан, сув балосидан ўзинг асра» дея ният қилиб фотиҳа ўқиши бежиз эмас. Шоҳимардонда юз берган талофатлар шуни исботлаб турибди.

Ўйлаймизки, халқимиз бундай қайғули воқеадан сўнг асло қараб турмайди ва барча савобталаб инсонлар шоҳимардонликларга ёрдамга ошиқади. Савоб ишни эса, юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳар ким қилиши керак, ҳар кун қилиш керак.

***

Шоҳимардонда юз берган табиий офат муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва халқимиз номига Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Грузия Республикаси Президенти Эдуард Шеварднадзе ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев номидан самимий ҳамдардлик мактублари келди.

«МАЪРИФАТ» ШАРҲЛОВЧИСИ

Tadbir

МАФКУРА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Президентимизнинг яқинда «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавоблари бугунги мафкурамиз, сиёсатимизнинг аниқ мақсадга йўналтирилганини исботи десак муболаға бўлмайди. Шу сабаб ундаги фикрлар,ғоялар кенг жамоатчиликни қизиқишига сабаб бўлди. Яқинда Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ходимлари ҳам ана шу қизиқишлар натижаси сифатида «Жамиятимиз мафкураси, халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин» мавзусида анжуман ташкил этишди. Анжуманни Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев кириш сўзи билан очди. Тошкент Давлат педагогика университети проректори А.Қирғизбоев «Юксак маънавият келажак пойдевори» мавзусида маъруза қилди. Шунингдек тадбирда Чилонзор туман халқ таълими бўлими бошлиғи М.Абдалимов, Ҳамза тумани 67-мактаб директори И.Бобохонов ҳамда 216-мактаб ўқитувчиси М.Воҳидова, ТШУМОИ директори муовини У.Зияевлар президентимизнинг «Тафаккур» журналидаги суҳбатига ўз муносабатларини билдиришди. Тадбир сўнгида шаҳар таълим муассасаларининг муҳокама қилинган мавзу бўйича тадбирлари белгиланди. Шунингдек анжуманда Республика халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й.Саиджонов ҳамда, Тошкент шаҳар ҳоким муовини Э.Эрназаров иштирок этишди.

Х.АБДУРАҲМОНОВ

Кўзгуда — Наманган вилояти 2-бет

Ким қандай ўқитади? 3-бет

Fikr, mulohaza, taklif

ЯНА БЎШ ВАҚТ ХУСУСИДА

Вақт тушунчаси ҳар доим ҳам кишининг ақли етавермайдиган, мураккаб, айни вақтда сирли тушунчадир. Бу тушунчанинг моҳиятини ундан қандай фойдалана олишимизга қараб англаймиз. Қадрли вақт, чўзилган вақт, бўш вақт... биз бугун мана шу вақтдан қандай фойдаланиш мумкинлиги ҳақида,уни қандай қилиб мазмунли ўтказиш ҳақида тўхталмоқчимиз. Донишмандлардан бири «вақтдан оқилона фойдаланиш унинг қимматини янада оширади», деганида юз карра ҳақ эди. Гарчанд, бўш вақт орқали дард ва мусибат,фожеа ва фалокатлар кишига ва унинг ҳаётига таъсир этар экан, биз энг аввал мана шу бўш вақтни қолдирмаслик йўлларини, бўш вақтдан оқилона фойдаланишнинг маълум бир услубларини аниқлашимиз лозим. Бу тушунчалар кенг қамровли тушунчалардир. Биз асосан ўқувчиларимизга бўш вақтдан фойдаланиш йўлларини ўргатмоқчимиз. Бу муаммони ҳал қилишда ота-оналар ёрдамга келадилар, албатта.

Ўқувчиларнинг бўш вақти ўқув даврида алоҳида, таътил пайтида алоҳида хусусиятга эга. Чунки ўқиш пайтида кунинг ярми мактабга қатнашиш учун сарф бўлса, қолган ярми уй вазифаларини бажаришга сарф бўлади. Қолган озгина вақт турли спорт ўйинларига ва бадиий тўгаракларга қатнашишга, китоблар ўқишга, сарф бўлади. Ҳамма гап шундаки, барча ўқувчи ҳамма дарсга текис қатнашмайди ҳамда уй вазифасини ҳам ҳамма бирдек бажаравермайди. Шу сабаб, ота-она энг аввал ўқитувчилар билан ҳамкорликда фарзандларининг кун тартибини тузишга ёрдам бериб, тарбиявий соатларда,ота-оналар мажлисларида, педагогик кенгаш йиғилишларида ўқувчининг иш кунини фойдали тақсимлаш намуналари баён этилиб, изоҳланиши керак. Бунда ҳамма ўқувчи учун бир хил қоида кетмайди, балки ҳар бир ўқувчининг алоҳида хусусиятлари,қизиқишлари, имкониятлари, уй шароитлари ҳисобга олиниши керак.Бунинг учун мактабда тўгараклар комиссия учун эмас, амалиёт учун ишлаши керак. Уларнинг ишлашидан ўқитувчи ва ота-она манфаатдор бўлиши керак. Ушбу мактаб ўқувчиларига мос, ўқитувчилари имкониятидан келиб чиқилган ҳолда тузилган тўгарак жадваллари самара бериши мумкин ва бу тўгараклар ишини йўлга қўйишда шу мактаб атрофидаги ҳунарманд халқ усталарини,

(Давоми 2-бетда).

ҲОКИМНИНГ ДАРСЛИКЛАРГА ЭЪТИБОРИ

Гап нима ҳақида кетаётганлигини англаб етган бўлсангиз керак. Навоий вилояти ҳокими Ҳ. Ғаффоров фармойишига биноан, вилоятдаги мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ташкилот, корхона, муассаса, жамоа хўжаликлари ва фирмаларнинг раҳбарларига ўз жамоаларидаги ишчи-ходимларнинг фарзандлари, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини дарсликлар билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Вилоят марказий банки (Б.Қўшанов) дарсликлар ва ўқув адабиётларини республика нашриётларидан сотиб олиш мақсадида вилоят «Китобсавдо» ҳиссадорлик жамиятига айланма маблағ учун 1 (бир) млн.сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратишадиган бўлди.

Вилоят матбуот бошқармаси (О.Қамбаров), вилоят «Китобсавдо» ҳиссадорлик жамияти (М.Алиев), вилоят «Матлуботсавдо» акционерлик компанияси (Р. Шарипов), «Навоийсавдо» акционерлик компаниялари (О.Каримов) эса туман ва шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ўқувчилар сони бўйича мактаб ўқувчиларини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан чакана савдо тармоғи орқали таъминлайдилар.

Мехриддин ХАНИПОВ

Айни кунларда мамлакатимизнинг олий ва ўрта махсус билим юртларида иш ҳар қачонгидан ҳам қизиган. Боиси—абитуриентлар ўзлари орзу қилган ўқишларига кириш учун ҳужжат топширишмоқда.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника университети ҳам бу жараёндан четда қолаётгани йўқ. Университет қабул комиссияси масъул котиби Муродилла Маҳамадиевнинг сўзларига қараганда, иқтисод, маркетинг ва менежмент йўналишларига ўқимоқчи бўлган талабгорлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда.

Суратда: Иқтисод факультетига ҳужжат қабул қилинмоқда.

Ш.ЗУФАРОВ олган сурат

АБИТУРИЕНТ ҲУЖЖАТ ТОПШИРМОҚДА

ТошДУ қабул комиссиясидан репортаж

Ҳар томонда ғала-ғовур. Университетнинг улкан фойесида тумонат одам. Абитуриентлар учун илк синов— ҳужжатлар топшириш палласи. Иккиланиш, ҳадик, ҳаяжон уларнинг вужудларини чирмаб олган деб ўйлайсиз. Ҳаммасининг юрагида бир тилак жўш уради: талабалик бахтига муяссар бўлармиканман?

Ҳужжатларни қабул қилиш учун қатор қўйилган столларда ариза ёзишга намуналар. Қабул қилувчилар синчков, улар ҳар бир ҳужжатни рисоладагидек тартибда «чиғириқ»дан ўтказишяпти.

Фойенинг чап томонида факультетлар ҳақида маълуот берувчи стендлар. Кимнинг диққатини қайси мутахасисислик жалб қилади, марҳамат, факт-далиллар стендда.

—**Абитуриентмисиз синглим?**- деб яқинлашдим, қорачадан келган, кўзлари ҳаяжонга тўлиқ қизга.

— Ҳа, топдингиз. Исми шарифим Ҳулкар Шукурова, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги 2-лицейни тугатдим. Ўзбек

(Давоми 2-бетда).

ХАБАРЛАРИ — MMM

Tuhfa

Mustaqilligimizning 7-yillik to'yiga Arnasoy tumanidagi G'.G'ulom nomli 5-o'rta maktab jamoasi o'z tuhfalarini tayyorlab qo'yishdi.

Mavjud 35 ta fan xonalari to'liq ta'mirlandi. Bunda maktab direktori I. Javlonov, uning o'rinbosari A. Saidov tashabbuskorligi, o'qituvchilar, o'quvchilar, ota-onalar hamkorligi qo'l keldi.

A.Toshpo'latov

Dastur qanday bajarilmoqda ?

Xalq deputatlari Xonqa tuman Kengashining navbatdagi sessiyasida «Tumanda «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»ning birinchi bosqichini ro'yobga chiqarish borasida mavjud muammolar va ularni hal etish vazifalari to'g'risida»gi masala muhokama qilindi.

Dasturni amalga oshirishda sustkashlikka yo'l qo'yilayotganligi jiddiy uqtirildi.

O. Bekjonov

Milliy g'ururimiz

Hadis ilmining sultoni Imom Ismoil al Buxoriy tavalludining 1225 yillik yubileyiga bag'ishlanib yaqinda Sh.Rashidov tumanidagi alloma nomi bilan ataluvchi maktabda adabiy kecha o'tkazildi.

Kechada Sh.Shukurova, D.Umirzoqov, R.Begaliyev, B.Xaydarov singari o'quvchilarning chiqishlarida qadriyatlarimiz, milliy g'ururimizning tobora kamol topayotganligi namoyon bo'ldi.

Sh. Farmonov

O'rnak

Boysun tumanidagi 1-o'rta maktabda tumandagi 54 ta maktab direktorlari, Surxondaryo viloyatidagi barcha tuman XTB mudirlari ishtirokida seminar-kengash o'tkazildi. Mavzu: maktablarni yangi o'quv yiliga tayyorlash.

Unda 1-o'rta maktabda ta'mirlash ishlari namunali tashkil qilinganligi va uning viloyat maktablariga namuna bo'lajakligi uchun ham tadbir aynan shu erda o'tayotganligi aytildi. Darvoqe, aytilganicha bor, maktabda o'qituvchilar tomonidan tuzilgan ta'mirlash brigadasi tomonidan ishlar a'lo darajada uddalangan.

O. Toshqulov

MMM — XABARLARI

Eng, eng, eng...

...deb nomlangan ko'rgazmali qurollar yasash tanlovida Namangan tumani o'qituvchilarining ixtirochilik mahorati aniqlab olindi.

Eng yaxshi deb 1-sinflar uchun 25-maktab o'qituvchisi T. Obobakirov, 2-sinflar uchun 37-maktab o'qituvchisi M. Zokirov, 3-sinflar uchun 23-maktab o'qituvchisi Z.Qosimova ishi topildi.

Shuningdek har bir fan bo'yicha ham eng zo'rlar saralandi.

Q. RAHMONOV

DTM tahlili

Кўзгуда — Наманган вилояти

Наманган вилояти 1997 йилда олий ва ўрта махсус ўқув юртларига абитуриент тайёрлашда маълум ютуқни қўлга киритди. Вилоят бўйича ўқишнинг барча турида ўқиш учун ариза берганлар сони 16792 кишини ташкил этди. Улардан 7406 таси олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида ўқиш истагини билдирганлар.Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида ўқишни истаган абитуриентларнинг жавоблар самарадорлиги вилоят бўйича анча юқори бўлган. Наманган вилоятининг абитуриентлари ўзбек тили ва адабиёти, тарих, биология, химия, география бўйича республиканинг ўртача кўрсаткичидан юқори бўлган натижаларга эришганлар. Жумладан, Учқўрғон шаҳрининг абитуриентлари ўзбек тили ва адабиёти, математика, физика, кимё, тарих, инглиз ва немис тиллари бўйича юқори кўрсаткичларга эришганлар.

Лекин Косонсой, Тўрақўрғон туманлари, Наманган шаҳрининг абитуриентлари эришган натижалар паст эканлиги кўзга ташланади. Жадвалларда ҳар бир туман бўйича натижалар берилган. Ўйлаймизки, маълумотлар вилоят раҳбарияти, педагогик жамоаси томонидан таҳлил этилиб, тегишли хулосалар чиқарилади.

Фанлар	Наманган вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги(%)	Республиканинг ўртача кўрсаткичи (%)
ўзбек тили ва адабиёти	45,00	43,41
тарих	51,10	49,75
математика	41,00	40,87
физика	29,20	29,26
биология	57,40	53,39
химия	42,00	40,73
география	45,80	43,47
инглиз тили	41,00	40,63
немис тили	27,40	27,94
француз тили	29,60	31,08

Наманган вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Она тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Наманган тумани	1118	44.5	473	44.9	143	44.1	502	44.2
2	Косонсой тумани	795	39.9	320	41.3	111	40.4	364	38.6
3	Норин тумани	1364	46.7	613	45.0	135	45.9	616	48.4
4	Учқўрғон тумани	1286	43.9	634	42.8	92	41.4	560	45.5
5	Чортоқ тумани	1194	46.4	572	47.3	138	44.0	484	46.1
6	Чуст тумани	1286	45.3	505	48.4	85	45.1	696	43.1
7	Поп тумани	1367	45.4	561	47.1	85	49.5	721	43.5
8	Тўрақўрғон тумани	1364	42.0	527	42.6	140	43.0	697	41.4
9	Янгиқўрғон тумани	1437	44.5	615	44.8	154	47.2	668	43.6
10	Мингбулоқ тумани	734	44.5	274	45.0	41	45.9	419	44.1
11	Уйчи тумани	1583	46.7	639	46.3	189	44.3	755	47.6
12	Давлатобод тумани	22	49.6	12	54.4	5	47.2	5	40.6
13	Наманган шаҳри	1187	39.5	525	41.9	335	36.7	327	38.5
14	Косонсой шаҳри	204	38.1	30	37.4	14	37.3	160	38.4
15	Ҳаққулобод шаҳри	124	43.7	51	44.3	12	43.5	61	43.2
16	Учқўрғон шаҳри	204	46.9	82	51.3	8	37.8	114	44.3
17	Чортоқ шаҳри	301	42.1	112	43.9	35	40.2	154	41.2
18	Чуст шаҳри	240	49.5	91	52.5	17	37.6	132	48.9
	Жами	15810	44.3	6636	45.0	1739	42.8	7435	44.0

Наманган вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Тарих, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Наманган тумани	213	47.7	141	52.0	60	39.2	12	38.9
2	Косонсой тумани	142	43.8	98	47.9	33	35.9	11	31.1
3	Норин тумани	266	48.2	184	48.7	54	46.9	28	46.9
4	Учқўрғон тумани	270	48.8	232	49.2	32	44.8	6	53.2
5	Чортоқ тумани	288	52.5	208	54.9	73	44.1	7	69.0
6	Чуст тумани	268	48.2	225	49.0	34	41.8	9	54.6
7	Поп тумани	245	52.5	201	52.3	30	52.4	14	55.0
8	Тўрақўрғон тумани	238	48.7	181	49.1	49	47.3	8	48.6
9	Янгиқўрғон тумани	286	47.2	205	48.5	73	44.0	8	43.8
10	Мингбулоқ тумани	130	48.1	101	49.6	20	42.6	9	42.6
11	Уйчи тумани	360	52.2	246	55.5	93	44.4	21	46.8
12	Давлатобод тумани	13	53.0	8	55.9	5	48.3		
13	Наманган шаҳри	220	45.6	133	49.9	73	41.3	14	26.2
14	Косонсой шаҳри	13	53.4	9	46.9	2	73.6	2	62.5
15	Ҳаққулобод шаҳри	18	49.1	18	49.1				
16	Учқўрғон шаҳри	24	62.7	18	64.5	2	56.9	4	57.6
17	Чортоқ шаҳри	38	56.0	26	61.3	7	38.9	5	52.2
18	Чуст шаҳри	31	49.9	24	55.8	7	29.8		
	Жами	3116	49.1	2311	50.9	647	43.6	158	46.0

Наманган вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Биология, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Наманган тумани	363	52.2	82	55.0	3	46.3	278	51.4
2	Косонсой тумани	221	46.9	64	54.3			157	43.9
3	Норин тумани	535	57.3	166	60.7	8	56.3	361	55.7
4	Учқўрғон тумани	450	55.0	128	59.3	9	41.4	313	53.5
5	Чортоқ тумани	410	55.1	124	62.5			286	51.8
6	Чуст тумани	428	47.1	93	57.9	3	63.0	332	43.9
7	Поп тумани	439	54.0	150	58.4	7	56.0	282	51.6
8	Тўрақўрғон тумани	300	50.6	97	56.2			203	48.0
9	Янгиқўрғон тумани	474	50.3	108	52.0	2	48.6	364	49.8
10	Мингбулоқ тумани	267	51.1	68	57.6	4	54.2	195	48.7
11	Уйчи тумани	555	54.1	102	51.4	2	59.7	451	54.7
12	Наманган шаҳри	201	46.2	42	58.5	4	54.2	155	42.7
13	Косонсой шаҳри	89	47.8	3	66.7			86	47.1
14	Ҳаққулобод шаҳри	29	54.4	3	45.4	2	48.6	24	56.0
15	Учқўрғон шаҳри	53	53.7	16	59.5			37	51.1
16	Чортоқ шаҳри	115	48.0	28	51.7			87	46.9
17	Чуст шаҳри	78	50.8	13	66.7			65	47.6
	Жами	5122	51.6	1399	55.1	47	49.9	3676	50.4

Наманган вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
География, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Наманган тумани	7	47.6	7	47.6				
2	Косонсой тумани	12	46.1	10	50.6	2	23.6		
3	Норин тумани	24	43,4	19	45.8	5	34.4		
4	Учқўрғон тумани	16	48.6	14	53.0	2	18.1		
5	Чортоқ тумани	10	39.7	10	39.7				
6	Чуст тумани	14	42.9	11	45.2	3	34.3		
7	Поп тумани	21	43.5	13	40.2	8	49.0		
8	Тўрақўрғон тумани	13	40.4	11	41.2	2	36.1		
9	Янгиқўрғон тумани	17	43.1	17	43.1				
10	Мингбулоқ тумани	8	42.4	6	46.3	2	30.6		
11	Уйчи тумани	28	50.1	28	50.1				
12	Наманган шаҳри	26	35.0	4	44.4	22	33.3		
13	Косонсой шаҳри	6	31.5	3	33.3	3	29.6		
14	Ҳаққулобод шаҳри	7	42.9	5	38.9	2	52.8		
15	Учқўрғон шаҳри	2	45.8	2	45.8				
16	Чуст шаҳри	3	32.4	3	32.4				
	Жами	440	41.2	389	41.9	51	35.5	0	0.0

Наманган вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Физика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Наманган тумани	137	29.3	109	28.4	28	32.5		
2	Косонсой тумани	120	27.0	102	27.1	18	26.5		
3	Норин тумани	169	30.7	147	31.1	22	28.2		
4	Учқўрғон тумани	138	30.4	127	30.7	11	27.3		
5	Чортоқ тумани	138	30.2	118	30.8	20	26.1		
6	Чуст тумани	121	29.4	101	29.3	20	29.9		
7	Поп тумани	128	27.1	108	27.1	16	28.1	4	23.6
8	Тўрақўрғон тумани	121	26.5	106	26.7	15	25.6		
9	Янгиқўрғон тумани	176	28.6	150	28.8	26	26.9		
10	Мингбулоқ тумани	54	30.7	46	32.6	8	19.8		
11	Уйчи тумани	143	27.7	118	28.5	25	24.0		
12	Давлатобод тумани	4	27.1	4	27.1				
13	Наманган шаҳри	288	29.5	156	29.0	101	29.5	31	32.0
14	Косонсой шаҳри	17	20.9	12	21.3	5	20.0		
15	Ҳаққулобод шаҳри	11	39.1	6	56.5	5	18.3		
16	Учқўрғон шаҳри	13	30.8	8	34.0	3	26.9	2	23.6
17	Чортоқ шаҳри	36	29.6	24	30.9	12	27.1		
18	Чуст шаҳри	22	32.4	15	36.3	7	24.2		
	Жами	2105	31.1	1720	31.8	348	28.0	37	30.6

Наманган вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Француз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Наманган тумани	77	26.6	62	27.1	15	24.6		
2	Косонсой тумани	5	21.7	3	21.3	2	22.2		
3	Норин тумани	42	28.5	30	30.0	12	24.8		
4	Учқўрғон тумани	29	25.9	27	25.6	2	29.2		
5	Чортоқ тумани	35	20.4	19	21.2	16	19.4		
6	Чуст тумани	66	26.3	62	26.3	4	26.4		
7	Поп тумани	101	36.7	82	37.6	19	32.6		
8	Тўрақўрғон тумани	57	24.4	41	25.2	16	22.2		
9	Янгиқўрғон тумани	50	29.3	40	31.4	10	20.8		
10	Мингбулоқ тумани	14	24.6	14	24.6				
11	Уйчи тумани	34	35.0	27	38.1	7	23.0		
12	Наманган шаҳри	9	29.6	3	29.6	6	29.6		
13	Ҳаққулобод шаҳри	3	20.4	3	20.4				
14	Чортоқ шаҳри	4	21.5	4	21.5				
	Жами	571	28.8	456	29.8	115	24.8	0	0.0

Наманган вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Немис тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Наманган тумани	65	25.9	48	26.6	17	24.0		
2	Косонсой тумани	58	25.3	35	28.8	23	20.0		
3	Норин тумани	18	24.8	14	23.8	4	28.5		
4	Учқўрғон тумани	32	24.9	25	24.7	7	25.8		
5	Чортоқ тумани	71	24.3	54	24.2	17	24.8		
6	Чуст тумани	69	27.8	62	28.6	7	20.6		
7	Поп тумани	39	24.2	33	25.2	6	19.0		
8	Тўрақўрғон тумани	139	25.9	105	27.4	34	21.6		
9	Янгиқўрғон тумани	105	26.3	74	26.7	31	25.4		
10	Мингбулоқ тумани	22	24.2	19	24.9	3	20.4		
11	Уйчи тумани	165	27.9	118	29.9	47	23.0		
12	Давлатобод тумани	3	32.4			3	32.4		
13	Наманган шаҳри	50	25.8	20	28.5	30	24.1		
14	Косонсой шаҳри	5	25.6	3	21.3	2	31.9		
15	Ҳаққулобод шаҳри	4	38.9	2	29.2	2	48.6		
16	Учқўрғон шаҳри	2	62.5	2	62.5				
17	Чортоқ шаҳри	7	17.9	5	20.6	2	11.1		
18	Чуст шаҳри	5	35.6	5	35.6				
	Жами	1205	32.3	933	34.3	272	25.4	0	0.0

Наманган вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Инглиз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Наманган тумани	157	41.8	121	43.7	36	35.3		
2	Косонсой тумани	128	34.0	83	35.1	45	31.9		
3	Норин тумани	227	37.5	174	39.8	53	30.0		
4	Учқўрғон тумани	261	36.5	222	37.5	39	30.6		
5	Чортоқ тумани	216	37.2	171	39.2	45	29.8		
6	Чуст тумани	169	37.6	140	38.8	29	31.4		
7	Поп тумани	159	37.3	130	38.5	29	31.8		
8	Тўрақўрғон тумани	162	39.6	124	39.4	38	40.2		
9	Янгиқўрғон тумани	212	34.5	166	36.5	46	27.0		
10	Минебулоқ тумани	104	35.0	85	36.7	19	27.0		
11	Уйчи тумани	216	38.0	166	40.1	50	31.0		
12	Давлатобод тумани	4	52.1	4	52.1				
13	Наманган шаҳри	378	44.6	243	49.2	135	36.2		
14	Косонсой шаҳри	19	34.2	12	38.7	7	26.6		
15	Ҳаққулобод шаҳри	44	46.0	39	47.2	5	36.7		
16	Учқўрғон шаҳри	39	51.3	36	53.5	3	25.0		
17	Чортоқ шаҳри	58	41.4	39	45.7	19	32.5		
18	Чуст шаҳри	54	51.3	49	53.7	5	27.2		
	Жами	2607	39.0	2004	41.0	603	32.5	0	0.0

Наманган вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Математика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Наманган тумани	600	34.4	277	40.0	113	37.5	210	25.3
2	Косонсой тумани	452	34.0	170	41.7	90	37.6	192	25.5
3	Норин тумани	613	33.8	298	40.0	93	32.9	222	26.0
4	Учқўрғон тумани	628	33.5	324	39.3	67	36.4	237	24.9
5	Чортоқ тумани	554	34.0	286	39.4	88	30.8	180	27.1
6	Чуст тумани	636	32.0	220	39.9	63	36.6	353	26.2
7	Поп тумани	717	33.0	246	42.3	54	42.0	417	26.3
8	Тўрақўрғон тумани	862	30.3	279	36.9	103	32.3	480	26.0
9	Янгиқўрғон тумани	649	36.2	332	43.1	107	37.6	210	24.6
10	Мингбулоқ тумани	363	31.3	131	37.9	23	34.1	209	26.8
11	Уйчи тумани	730	32.9	327	40.0	123	30.6	280	25.6
12	Давлатобод тумани	12	35.6	7	44.8			5	22.8
13	Наманган шаҳри	794	37.1	361	43.8	279	36.1	154	23.4
14	Косонсой шаҳри	102	30.1	18	41.4	12	33.3	72	26.8
15	Ҳаққулобод шаҳри	75	35.5	31	49.4	10	33.1	34	23.5
16	Учқўрғон шаҳри	127	37.1	48	51.3	7	45.6	72	26.8
17	Чортоқ шаҳри	146	35.0	58	45.6	27	34.7	61	25.0
18	Чуст шаҳри	130	37.7	55	48.8	11	32.1	64	29.1
	Жами	8899	34.6	4047	41.5	1325	35.7	3527	26.2

Наманган вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Кимё, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Наманган тумани	91	38.7	81	39.5	8	33.0	2	29.2
2	Косонсой тумани	70	37.9	59	40.9	8	17.7	3	33.3
3	Норин тумани	190	43.7	166	44.3	19	39.8	5	39.4
4	Учқўрғон тумани	169	45.2	150	46.6	15	33.5	4	33.3
5	Чортоқ тумани	154	43.7	133	46.6	10	24.2	11	26.5
6	Чуст тумани	79	42.3	73	42.1	6	44.4		
7	Поп тумани	143	43.3	129	43.1	8	50.3	6	36.6
8	Тўрақўрғон тумани	115	35.7	91	38.2	18	25.9	6	26.9
9	Янгиқўрғон тумани	194	30.1	100	38.0	10	32.2	84	20.4
10	Мингбулоқ тумани	78	35.6	69	36.4	4	27.8	5	31.7
11	Уйчи тумани	123	36.6	101	38.7	20	25.0	2	45.8
12	Давлатобод тумани	12	41.9	12	41.9				
13	Наманган шаҳри	99	35.5	62	41.7	33	25.9	4	19.4
14	Косонсой шаҳри	3	65.7	3	65.7				
15	Ҳаққулобод шаҳри	9	33.6	4	16.7	2	44.4	3	49.1
16	Учқўрғон шаҳри	30	46.9	30	46.9				
17	Чортоқ шаҳри	33	36.2	31	35.4	2	48.6		
18	Чуст шаҳри	16	43.8	14	44.2			2	40.3
	Жами	1702	39.9	1370	42.5	163	30.8	169	27.9

АБИТУРИЕНТ ҲУЖЖАТ ТОПШИРМОҚДА

(Боши 1-бетда)

тили ва адабиёти, тарих, ҳуқуқшунослик йўналишлари бўйича олган билимларимни университетнинг ўзбек филологияси факультетида мустаҳкамламоқчиман.

—Тест («Ахборотнома») ларига эгамисиз?

—Ҳа, албатта. «Ахборотнома»ларнинг 39 та сонидаги саволларга ўз билимим даражасида жавоблар топганман. Худо хоҳласа талаба бўламан.

— Ниятингизга етинг.

— Қабул комиссиясининг масъул котиби, тарих фанлари номзоди, доцент Зоир Чориев гоҳо у ёққа, гоҳо бу ёққа югуради. Осонми, катта илм даргоҳига талабалар қабул қилишнинг энг масъулиятли палласи. Ҳар бир ҳужжат — абитуриент. Улар минглаб, бариям университетга кириб ўқишга ишқибоз, аксарияти олис вилоятлардан келишган.

Ниҳоят бизга масъул котиб билан суҳбатлашиш мавруди келди.

— Қабул жараёни ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Қабул давом этмоқда. Шу кунга қадар 1500 нафардан зиёд абитуриентнинг ҳужжатлари қабул қилинди. Бу йилги мўлжалимиз 25 та йўналиш бўйича 1350 нафар талаба қабул қилиш. Шуларнинг 675 нафари давлат грантлари, яна шунча миқдори тўлов-контракт асосида бўлади.

— Қайси йўналишларга талабгор кўпроқ?

— Ижтимоий йўналишдаги факультетларга ҳар йилгидек абитуриентлар сони мўл. Ҳуқуқшунос-педагог, тарих, иқтисод, журналистика, хорижий филологиянинг инглиз филологияси мутахассисликлари шулар жумласидан.

— Табиий йўналишларда-чи?

— Назаримда, умумий таълим мактабларида табиий фанлар: математика, физика, химия, биология чуқур ўқитилмайди. Абитуриентлар бу факультетларга ҳужжат топширишдан ниҳоятда чўчийдилар. «Кира олмайман» деган хавф уларни қийнайди. Ваҳоланки, ҳужжатлар мазкур йўналишларга кам қабул қилинганини ҳисобга олсак, абитуриентнинг ўқишга киришига имконият етарли.

* * *

Ҳужжатлар қабули.... Аслида улар абитуриентнинг ўқишга кириш кирмаслигида унчалик муҳим рол ўйнамайди. Ҳужжатлар қабули абитуриент учун асос, холос. Асосий гап абитуриентнинг миясида.

Ҳаяжонли кунлар жуда яқин. Тест ва абитуриент . Жавоблар, тўпланган баллар. Ўқишга кирганларнинг руйхати. Кимдир суюнган, кимдир йиғлаган... Яқин кунлар ичидаги манзара худди шундай. Улуғ ҳакам — вақтнинг ҳукмини кутмоқ керак.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА
«Маърифат» мухбири

ЯНА БЎШ ВАҚТ ХУСУСИДА

(Боши 1-бетда)

қолларини, ҳуқуқ тартиботни сақлаш вакилларини, машҳур ёзувчи, рассом, шоирларни ҳамда шу мактабни аввалги йиллар битириб кетганларни, ҳаттоки ота-оналарнинг ўзларини жалб қилиш мумкин.

Боланинг бўш вақтини фойдали машғулот билан тўлдирмас эканмиз, бу вақтни ўқувчиларимиз зарарли амалиётларга сарф қилиб, ноўрин йўлларда тентираб, жиноятчи гуруҳлар,бекорчилар тўдалари таъсирига тушиб қолишлари мумкин.

Инсон нафақат ўзига, балким атрофдагиларга ҳам зарарни айнан мана шу бекор юрган вақтида етказади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни ҳимоя қилишнинг энг аввалги босқичи уларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, фойдали машғулотлар билан тўлдиришдан иборат.

Уқув йили жараёнида бу ишларни амалга ошириш анчайин қулай, чунки ўқувчи ўқитувчи назоратида, кўз олдида бўлади. Бироқ бу ишни таътил пайтларида амалга ошириш анчайин мушкул. Бу ҳолда мактаб-маҳалла ҳамкорлиги аввалги ўринга ўтади. Чунки болаларнинг бўш вақтларини фойдали машғулот ва амалиёт билан тўлдиришнинг узоқ муддатли режаси тузиб чиқилади. Бунинг учун болалар спорт анжуманларидаги мусобақаларга тайёргарлик кўриши маҳалладаги халқ амалий санъати усталарига шогирдликка тушиши, кейинги ўқув йили учун чиқарилган дарсликлар асосида маълум бир фанлар бўйича пухта тайёргарлик кўриши ва ниҳоят, ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқариши ва боғдорчилик, деҳқончилик ишларида ота-оналарига ёрдам бериши мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларимиз қадрдон мактабларига ёзги таътилдан дам олиб, чиниқиб, спорт турларида муваффақиятларга эришиб, ўлкамизни янада чуқурроқ ўрганиб, янги ҳунарларнинг сирларидан вофиқ бўлиб, натижада жисмоний, ҳам маънавий баркамолликка янги бир қадам қўйиб қайтсинлар. Шунда ўқувчиларимиз орасида тарбияси оғирлар, қобилиятсизлар камаяди.

Бу ишларнинг натижасини ҳар бир ўқитувчи юраги орқали,ўй-фикрлари билан қоришган ҳолатда ўтказиши керак. Режа тузишдан мақсад кимгадир ҳисоб бериш эмас, балки ҳар биримизнинг ўқувчи олдидаги масъулиятимизни ҳис қилиш, ҳурматимизни янада ошириш,қолаверса, ўқитувчиларга юкланган мажбуриятни ҳаётга татбиқ қилиш учун тузилиши керак. Биз ўқитувчилар, энг аввало, тарбиячилармиз. Тарбиялаш учун барча воситалар ҳам ўз ўрнида фойдалидир. Тарбиянинг асосий нуқтаси—ўқувчини бўш қўймаслиқдир. Агар биз ўқувчиларга таъсиримизни йўқотиб қўяр эканмиз, бундан бошқа гуруҳлар фойдаланиб қолишлари аниқ. Қатор ёшларимиз аниқ фанлар у ёқда турсин, ҳатто ўз бурч, ҳуқуқларини ҳам яхши билмайдилар. Мана шу билими бўш, иродаси сўст ўқувчилар кечқурунлари нима қилади, дам олиш кунлари қаерга боради, таътилда нима қилмоқчи эканлигини билмас эканмиз,у ҳолда булар бизнинг таъсиримиздан чиқиб кетиб «меҳрибон устоз»ларнинг домига илиниши турган гап. У вақтда ҳеч ким ёрдам бера олмайди.

Агарки биз лоқайдликда, ўқувчиларимиз тақдири билан қизиқмай фаолиятимизни давом эттирар эканмиз, бундай гуруҳлар бизнинг ўзимизга ҳам қарши чиқишдан, ҳаттоки Ватанга таҳдид солишдан қайтмайдилар. Шунинг учун ҳар бир синф раҳбари ўз ўқувчисининг ҳаёт тарзини, оиласини, қуниқўшнисини аниқ билиб, шунга қараб унинг машғулотларини белгилаб, ота-онаси билан биргаликда амалга ошириш учун киришиши керак. Бунинг учун юқоридан, пастдан кўрсатма кутишга фурсат йўқ ва бу ишда жузъий хатолар кечирилмайди, зотан, бу хатолар жиноятларга тенг бўлиб қолиши мумкин.

Қатор ёшларимиз пул топиш м

ЖОНЛИ ДАРСХОНАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январда «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилингандан сўнг республикамизда музейлар ташкил этилишига жуда катта аҳамият берила бошланди. Темурийлар тарихи Давлат музейи, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, Алишер Навоий номидаги ва бошқа музейлар ташкил этилиши, қурилиши республикамиз маданий ҳаётида жуда катта воқеадир.

1997 йилда Бухоро, Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини нишонланиши ҳаммамизнинг қалбимизда ғурур, ифтихорни уйғотди. Умуман, Хива, Самарқанд, Қўқон, Шаҳрисабз шаҳарлари очиқ ҳолатдаги музей шаҳарларидир.

Умумтаълим мактабларида ҳам кейинги уч йил мобайнида музейлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Агар 1995 йили 379 та музей бўлган бўлса, 1996 йилга келиб 571 та, 1997 йили 799 тага етди. Айниқса, музейлар сонининг ўсиши Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятларида кўзга ташланади. Лекин Андижон, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятларида музейлар ташкил этиш суст бормоқда.

Айрим музейлар талаб даражасида эмас.

Музейларда сақланаётган ва сақланиши лозим бўлган экспонатларни қайта рўйхатга олиш ҳамда музейларни паспортлаштиришдан ўтказиш керак. Бунинг учун музей анжомлари, буюмларини илмий асосда аниқлаб, уларни классификация қилиш ва тартибга солиб, рўйхатга олиш зарур.

Музей иши билан шуғулланадиган ҳар бир ходим музей жамғармаси ҳақидаги ҳужжатлар билан танишган бўлиши лозим. Музей анжомларини сақлаш ва ҳисобга олиш китобини ташкил этиб, экспонатларнинг йўқолиб кетишига барҳам бериш керак. Жойларда саёҳат ва ўлкашунослик ишларини ташкил этиб, қидирув ишлари орқали музей экспонатларини бойитиб бориш керак.

Наманган шаҳридаги 40-мактабда ташкил этилган ўлкашунослик «Халқ музейи»да ўқувчи - ёшларни маънавий ва маърифий руҳда тарбиялаш борасида ижобий ишлар олиб борилмоқда. Музейда 16 мингдан ортиқ хилма-хил қимматбаҳо экспонатлар мавжуд. Бу ишда олий тоифадаги ўқитувчи Абдуллажон Нуриддиновнинг хизматлари беқиёсдир.

Таълим муассасалари раҳбарлари ўқувчи-ёшларнинг маънавий, маърифий савиясини ошириш, истиқлол ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ҳар ойнинг бир кунини «Музей куни» деб белгилашни ва ўша куни тасдиқланган график асосида музейларга боришни ташкил этиш ҳамда ўқувчилар билан музей дарслари, учрашувлар, кўргазмалар, беллашувлар, слётлар ўтказишни йўлга қўйишлари давр талабидир. Бу тадбирни ёзги таътил даврида ҳам уюштириш мумкин.

Мактаб раҳбари ташкилотчилик қобилиятига эга бўлса, мактабда музей яратиш, жамоатчилик ишига қизиқса, жамоага ўз вақтида тўғри вазифалар бўлиб берса, шунда мактаб музейи фаолияти, унинг педагогик ва илмий натижаси самарали бўлади.

Жойлардаги «Ўзбекмузей» жамғармалари билан ҳамкорлик ишларини жонлантириш керак. Мактабларда ташкил этиладиган жамоат музейларини яратиш, безатиш ва иш фаолиятини ташкил этишда улардан ёрдам олиш керак.

Республика Таълим маркази қошидаги халқ таълими музейи томонидан жойлардаги музейларга амалий ёрдам кўрсатилиши ва улар ишини мувофиқлаштириш ишини йўлга қўйиш лозим.

Музей тасдиқланган режа асосида иш олиб бориши керак. Таълим муассасаларида ташкил этилган жамоат музейларида фаол юқори синф ўқувчилари ва талабаларидан иборат экскурсоводлар гуруҳини тайёрлаш музей фаоллари, музей кенгаши, музейнинг иш мазмунини бойитиб боришда жонбозлик кўрсатишлари зарур.

Музей фаолиятини педагогларнинг бевосита раҳбарлиги остида юқори синф ўқувчилари бошқариб бориши керак.

Марат ШАФИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи

«МАЪРИФАТ» МАСЛАҲАТХОНАСИ

Биз икки киши 1,25 штат билан мактабда қоровул бўлиб ишлаймиз. Бир ставка ишнинг ҳафталик умумий ҳажми 40 соатдан ошмаслиги кераклиги Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат Кодекси» 115-моддасида қайд этилган. Лекин, баъзан дам олиш ва байрам кунларига тўғри келиб қолса, биз бир ой давомида 1,25 штатга белгиланган соатдан кўпроқ ишлаяпмиз. Аммо ортиқча соатларга иш ҳақи олмаяпмиз.

Саволимнинг иккинчи банди. Мен таътилда бўлсаму, менинг ўрнимга ишлаган шеригимга ёки у таътилга чиқсаю, ўрнига мен ишласам, иш ҳақи тўланмаслиги тўғрими?

Мусожон ҲАСАНОВ
Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри 37-мактаб

Мусожон Ҳасановнинг саволига шуни маълум қиламизки, халқ таълими ходимларининг ягона тариф жадвалларига асосан, таълим муассасалари қоровулларининг бир ойлик ҳақи нолинчи тариф разряди бўйича белгиланган.

Яъни Узбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 июнь Фармонига асосан, 1998 йил 1 июлдан бошлаб 1100 сўмга тенг.

Муассасага ойлик учун ажратилган маблағларни инобатга олиб, молия бўлимлари билан келишилган ҳолда қоровулларга бир ойлик иш ҳақини биринчи тариф разряди бўйича белгилаш мумкин. Бу 1998 йил 1 июлдан бошлаб 1958 сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, Узбекистон Республикаси «Меҳнат кодекси» 158-бандига асосан, юқоридаги ходимларга кечқурунги даврда ишлаган ҳар бир соат учун /кечқурунги соат 22 дан эрталабки соат 6 гача/ белгиланган маошдан 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда қўшимча ҳақ тўланади. «Меҳнат кодекси»нинг 157-моддасига асосан, ишдан кейин, дам олиш ва байрам кунлари ишлаган ходимларга 2 баравардан кам бўлмаган миқдорда ойлик иш ҳақи фондининг иқтисод қилинган қисмидан тўланади.

Муассаса раҳбарлари Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган ва Молия вазирлиги билан келишилган таълим муассасаларининг намунавий штат жадвалларида қоровулларга белгиланган иш соатларидан /соат 20 дан 8 гача/ ортиқ ишламасликларини ва дам олиш, байрам кунларини инобатга олиб, алоҳида жойлашган ҳар бир бинога 2,5-3 штат бирлиги белгилашни назорат қилишлари лозим.

Қоровулларнинг иш тартиби навбатчилик жадваллари орқали аниқланади. Бу жадвал бир ойдан кам бўлмаган вақтга касаба қўмитаси билан келишилган ҳолда юқоридаги тоифа ишчиларнинг ҳафталик соатларини /40 соат/ инобатга олиб, бошқарув томонидан тасдиқланади.

***

Ушбу саволларга жавобни республика ХТВ режа ва молия Бош бошқармаси меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи Н.М.Нестерова шарҳлади.

Табиатда ҳеч бир нарса битмас-туганмас эмас, улардан тўғри фойдалана билиш керак. Республикамизнинг энг ажойиб гўшаларидан бири Оҳангарон водийсидир. Бу маскан табиий ресурсларга жуда бой. Аммо Арошон булоғи, Лашкарак дам олиш маскани, Ертошсой ва унинг атрофидаги, Турк сув омбори атрофи табиий арчазорлари ва жуда қўплаб бошқа хушҳаво жойларга бугунги кунда масъул ташкилотлар ўта бефарқлик билан қарамоқдалар.

Арошон иссиқ сувли минерал булоқ. Булоқ суви гранит жинсларининг тектоник ёриқларидан оқиб чиқади. Температураси 38 даража. Суви минераллашганлиги ва соф азотни ажратиб чиқариш хусусиятига эга эканлиги учун шифобахш.

Узбекистон ҳудудида радионли сувлар камроқ учрайди.- Чотқол тизмасининг шарқида, Оҳангарон дарёси бошланиш жойида Арошон булоқ чашмасида радионли сувлар мавжудлиги аниқланган. Бу булоқ Ангрен шаҳридан шимоли-шарқда, 45-50 км нарида жойлашган. Бу ердаги сув иссиқ, сульфат натрийли, кам минераллашган (2,3 г/л). Радионнинг миқдори 45 мг/л, кремнийнинг миқдори эса 90 мг/л. Арошон булоғидаги бу сув билан қўплаб касалликларни — тери, бод, ревматизм, палиатрит каби касалликларни даволаш мумкин.

Арошонга 8 та ирмоқ қўшилади. Чотқол ва Қизилтур тизмалари қўшилган ердаги булоқлардан бошланади. Узунлиги 23 км, ҳамма ирмоқларининг узунлиги 46 км. Қор ва ёмғирдан сув олади. Ҳавзасида ва ҳар км/кв да 10—15 л/сек тўпланади. Июнь ойида суви тошади.

Йиллик сув сарфининг 76% и март, июль ойларида

ЭКОЛОГИЯ – БУ КЕЛАЖАК

оқади. Умуман бу шифобахш сув инсон организмини тозаловчи, филтрловчи восита ҳамдир.

Ертошсой Ангрен шаҳридан 45 км шимоли-шарқда жойлашган. Усимлик ва ҳайвонот оламига жуда бой. Бу жойнинг ўзига хос хусусияти — республикамизда энг кўп қор ёғадиган жойдир. Шуни эътиборга олиб, табиий гўзаллиги, доимий қор борлиги учун (июнь ойигача қор туради) чанғи спортини ривожлантириш мумкин. Ёзда температура шаҳардан 12—15 даража салқин бўлади.

Лашкароқсой республикамизнинг энг гўзал, энг табиий арчазорлар ўсаётган масканларидан. Бу жойда оқиб келаётган тоза, зилол сувлар инсон саломатлигини тикловчи бебаҳо табиий доридир.

Истиқлолга эришган юртимизнинг ички имкониятларидан тўлиқ фойдаланишимиз керак. Буюк бобомиз Амир Темур айтганидек, соғлом авлодли мамлакатнинг юрти ҳам бой бўлади. Бизнинг аждодларимиз бутун тирик мавжудотга озор беришни гуноҳи азим деб билганлар. Улар нон, сув, усимлик дунёсини эъзозлаганлар. Сувга ахлат ташлашни гуноҳ ҳисоблаганлар. Бугун маънавий баркамол инсониятни тайёрлар эканмиз, аввало, улар ўз юртининг фидойиси бўлишлиги, атроф-муҳитнинг ва гўзалликнинг шайдоси бўлмоғи керак.

Бу водийга катта эътиборнинг яна бир сабаби, яқин келажакда Тошкент — Ўш — Шанхай йўли Ангрен шаҳри билан Қамчиқ довони орқали ўтади. Бу эса шу воҳанинг табиатини гўзал ва мусаффолигини ҳисобга олиб, яна кўпроқ эътибор беришни ҳаётнинг ўзи тақозо қилади. Бу жой қўплаб сайёҳларни ўзига жалб қилиши табиий ҳол. Маълумки, Ангреннинг ўзида 70 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари, 5 та автокорхона, 300 дан ортиқ кичик турдаги корхоналар мавжуд. Булар ҳавони, тупроқни, жойларни ифлослантирувчи манба ҳисобланади. Фикримизча:

— қурилаётган корхоналарни шаҳардан четда, ҳаво йўналишини ҳисобга олиб барпо этиш,

— қуриладиган иншоот табиий бойликларимизга зиёни тегмаслиги кераклигини ҳисобга олиш,

—қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган унумдор ерларни сақлаб қолиш,

—айниқса, хушманзара жойлар атрофига саноат чиқиндиларини ташлашдан мутлақо сақланишга эътибор бериш лозим бўлади.

Давир ТЎХЛИЕВ,
Тошкент вилояти Давлат педагогика институти профессори

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 480-болалар боғчасида жажжилар учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Бу ерда кундалик машғулотлардан ташқари ўғил-қизлар компьютер билан «муомала» қилиш кўникмаларини ҳам шакллантиради, шунингдек, улар чет тилидан дастлабки сабоқларни оладилар.

Суратда: Боғчанинг катта тарбиячиси Саида Тўхтахўжаева тарбияланувчиларга миллий қадриятларимиз, анъана, урф-одатларимиз тўғрисида батафсил тушунча бераяпти.

Равиль Альбеков олган сурат

Alpomish to'yi

БУЮК ДОСТОН ШАРАФИГА

Шу кунларда машҳур ўзбек халқ эпоси «Алпомиш» достонининг туйини нишонлаш бўйича республикамиз барча вилоятлари қатори Хоразмда ҳам бир қанча тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда вилоятдаги педагогик ходимлар малакасини ошириш институтида ана шу муносабат билан илмий-адабий анжуман ўтказилди. Урганч Давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Абдуллаев «Алпомиш туркий забон халқларнинг буюк эпоси» мавзуида қизиқарли маъруза қилди. У сўзида ҳар бир халқни жаҳонга машҳур қиладиган буюк асари бўлиши, туркий забон халқларнинг барчасига даҳлдор бўлган «Алпомиш» ҳам қирғизларнинг «Манас», қозоқларнинг «Қизжибек», қорақалпоқларнинг «Қирқ қиз», ҳиндларнинг «Моҳабҳорат», арманларнинг «Сосунли Довуд» эпослари қаторидан муносиб ўрин олишга ҳақли эканлигига тўхталиб, достоннинг яратилиши тарихи ва асосий ғоялари ҳақида батафсил тўхталди.

Узбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Ҳ.Йўлдошев достоннинг умумтаълим мактабларида ўрганилиши масалалари хусусида сўзлаб, 8 - синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар ҳисобига достонни мукаммал ўрганишни ташкил қилиш, мактабларда навоийхонлик, огаҳийхонлик, машрабхонлик, бедилхонлик, қиссахонлик каби қадимий анъаналарни ривожлантириб, алпомишхонлик кечалари ташкил этишни таклиф этди.

Сунгра она тили ва адабиёт муаллимлари У. Ражабова ва Х.Жуманиёзовлар «Алпомиш» достонининг яратилиши ва ғоявий мазмуни, «Достонда дустлик ғояларининг куйланиши» мавзуларида маъруза қилдилар. Ўқитувчилар Гулнора Отаева, Каромат Матжонова, Бикажон Отаева, Меҳрибон Солаевалар иштирокида Алпомишнинг туйи саҳна кўринишида намойиш этилди.

Республика Фанлар академияси бўлими Маъмун академияси илмий ходими, истеъдодли шоир ва таржимон Матназар Абдулҳакимов ўзининг «Алпомиш» эпосига бағишланган янги шеърини ўқиб берди.

Кеча охирида 1995 йил республика ёш бахшилари олий совриндори ва1996 йил «Узбекистон - Ватаним маним» кўрик-танлови ғолиби, Янгибозордаги 10-лицей талабаси Жасурбек Зарипов ва Урганч шаҳридаги 8-педагогик лицейнинг 11-синф ўқувчиси Мансурбек Авазовлар ижросида «Гур- ўғли» ва «Авазхон» достонларидан парчалар ижро этилиши анжуманга ўзгача руҳ бағишлади.

Йўлдош ҲОЖИЕВ,
Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи

Mulohaza

КИМ ҚАНДАЙ ЎҚИТАДИ?

Ўқитувчининг мавқеи нима билан ўлчанишини биламиз. Унинг меҳнати машаққатли эканлигини эътироф этган ҳолда, уларни тоифага ажратиш ҳам асосли бўлса керак. Кўп йиллик кузатишларим, маориф соҳасидаги изланишларим менга шундай хулоса беради. Яхши ўқитувчилар бизнинг фахримиз. «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловларида иштирок этаётган, ғолиблик ўринларини эгаллаётганларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Илғорликка интилувчилар ҳам кам эмас. Лекин шундай ўқитувчиларимиз борки, улар ўқитувчилик касбига хос хусусиятларни ўрганишлари жуда зарур. Раҳбарларимиз эса ўз навбатида ўқитувчиларнинг дарсларини кузатиш, уларнинг ютуқларини оммалаштириш, камчиликларини бартараф этиш учун йўл-йўриқлар кўрсатишлари шарт. Таълимни бошқарувчи раҳбарлар борки, ўз фаолиятида ўқувчиларга намунадир. Наманган вилояти, Чортоқ шаҳар халқ таълими бўлими бошлиғи А.Раҳматов илғор тажрибали ўқитувчи, вақти-вақти билан мактаб раҳбарини ўзи ўқитадиган мактабига олиб бориб намунали дарс ўтказади. Дарсларига ўқитувчиларни таклиф этадиган мактаб директорларини ҳам кўрдик. Бу раҳбарга хос булган юксак фазилатдир.

Ўқитувчиларнинг тоифалари, ҳар хил илмий дунёқарашлари, тажрибаси ҳам турлича. Мен шу ўринда уларни тоифаларга қўйидагича ажратган бўлардим.

Ижодкор ўқитувчи — ўз касбини севади, қобилиятли, маҳорати етарли, билимдон, педагогика, психология фанларининг ривожига ҳисса қўшувчи, ўқув дастури, дарсликлардан унумли фойдаланиш билан уларни такомиллаштириш учун янги фикрлар билан бойитади. Ўз тажрибаси асосида мақолалар, методик қўлланмалар, дарсликлар ёзади, ижод қилади, ўйланади. Бундай ўқитувчиларнинг дарси намунали, ўқувчилари ҳам билимли, уларнинг дарсини кузатувчилар жуда катта маънавий озиқ олади, юксак баҳолайди.

Ташаббускор ўқитувчи — ўқув дастури, дарслик ва методик қўлланмаларни дарс жараёнида талаб даражасида амалга оширади, қўшимча ва маҳаллий материаллардан унумли фойдаланади. Қўргазмали қуроллар ясайди, техника воситаларидан, илғор тажрибалардан фойдаланиб, уларни ҳаётга тадбиқ этишда ташаббус кўрсатади. Мактабдаги таълим-тарбия ишларида ўз ташаббуси билан мактаб раҳбарларига ёрдам беради, у доим изланувчан, янгиликлар яратувчи ҳисобланади.

Илғор ўқитувчи — ўқитиш ва тарбиялаш усулларини мукаммал эгаллаган, дарс жараёнида ўқув дастури, дарслик ва методик қўлланмаларни тўлиқ амалга оширади. Дарсга қўйилган талаблар, унинг мақсад ва вазифасини намунали бажарадиган, ўқувчиларга пухта билим ва тарбия бера оладиган, болаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириб, энг яхши натижаларга эришувчидир. Дарсда вақтни тўғри тақсимловчи, бир дақиқа вақтнинг қадрига етувчи, дарс жараёнида ўқув дастури талабларини бажара оладиган қобилиятга эга бўлади. Мактабнинг ҳамма ишларида илғорликка интилувчан ҳисобланади.

Фидойи ўқитувчи — ўз касбини севган, иродали, қийинчиликларга бардош беради, ўқувчилар билан ишлаш қобилиятини мукаммал эгаллаган. У ҳеч қачон нолимайди, ҳеч кимни ёмон демайди, тинч-осойишталик билан ўтган мазмунли кунлари учун шукроналар айтади. Бундай ўқитувчи ўқувчиларга намуна бўла олади.

Оддий ўқитувчи — маданияти, кўриниши ҳам, ўқувчи ва одамлар билан муомаласи ҳам оддий, дарс жараёнида ўқув дастури, дарслик мазмунини оддий ва содда ҳолда тушунтиришга ҳаракат қилувчидир. Ҳар қайси ўқувчи темани яхши тушунаяпти, деб ишонувчи, дарсда вақти-вақти билан «Тушундингизми?», «Яхши» сўзларини ишлатувчи, ишонувчан шахс. Таълим-тарбия ишида ким нимани таклиф этса унга ишониб бажаришга ҳаракат қилувчи, ўзича бирон-бир янгилик ҳақида ўйламайди, янгича таклифлар айтмайди, изланмайди, эшитган, ўзи кўрган тажрибалари асосида дарс ўтказаверади.

Мутахассислиги бошқа ўқитувчиларимиз ҳам бор. Ўзи физик, математикадан дарс беради, тарихчи географиядан, тарихчи адабиётдан, адабиётчи бошланғич синфларда, айрим мактабларда мутахассислиги бўлмаганлар жисмоний тарбия, тасвирий санъат, мусиқа дарсларини ўқитмоқдалар. Яхши қобилиятли, маҳорати бор, умумий педагогикадан билими бўлса, шароитини ҳисобга олиб бошқа фанларни ўқитишга рухсат берилган. Лекин халқ таълими бўлими ходимлари, мактаб раҳбарлари бундай ўқитувчиларнинг иш фаолиятини назорат қилишлари, уларга методик жиҳатдан маслаҳат ва йўл-йўриқлар кўрсатишлари шарт.

Касби ўқитувчи — педагогика, психология фанларидан назарий ва амалий фикрлари, билими саёз, ўқитувчиликка хос хусусиятларни яхши билмайдиганлар ҳам учрайди. «Узбилармон», ҳамкасбларидан иш ўрганишни хоҳламайдиган, жаҳлдор, киноя, кесатув гапларини ишлатадиган ўқитувчидан мактаб жамоаси ўзини узоқроқ тутишга ҳаракат қиладилар. Доим заҳарханда, дарс жараёнида ўқувчиларни камситади, дўқ уради, қаттиқ гапиради, жазолайди ҳам. Ўқувчиларнинг ҳар бирига хос рухий хусусиятларини, билим олишга қизиқишларининг нозик томонларини ҳисобга олмайди. Тарбиявий тадбирларда ҳам ўқувчиларга панд-насихат, кўпроқ танбеҳ беришни афзал кўради. Мактабдаги оммавий ва тарбиявий тадбирларга кам қатнашади. Бундай ўқитувчилар замон талабларига қараб ўзгаришлари зарур. Ёмон одат умрбод тамға бўлиб қолади, одамлар орасида обруси бўлмайди. **Мутахассис бўлмаган янги ўқитувчи** — педагогикага алоқаси бўлмаган, техника, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, тўқимачилик, маданият каби олий ёки ўрта махсус ўқув юртларини битирган кадрлар халқ таълими вазирлигига қарашли ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида хўжалик ҳисобидаги пулли 156 соатга мўлжалланган курсларда ўқиб, ўқитувчилик гувоҳномасини олганлардир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг: «Ўқитувчилар, муаллимларнинг обрў-эътиборини қайта тиклаш, уларнинг меҳнатини эътиборли ва юқори ҳақ тўланадиган соҳага айлантириш керак» деганлари ўқитувчига берилган юксак баҳодир. Ишонамизки, ўша кунлар келади, республикамизда маориф ишлари равнақ топади.

Ҳар қалай, ёш авлодни ҳақиқий фидойи муаллимлар қўлида ўқитиб, тарбиялай олсак, мамлакатимиз ҳар соҳада ривожланаверади.

Ҳикматулла АБДУЛЛАЕВ,
Низомий номидаги ТДПУ доценти, педагогика фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

Taqriz

НАВОИЙХОНЛИК УЧУН ЯНА БИР ЛУҒАТ

Республикамиз илмий ҳаётида амалга оширилаётган тадбирлар ичида Навоий асарларининг 20 жилдлик «Куллиёт»ининг нашр қилина бошлаганлиги катта воқеа бўлди. Ҳозир ушбу тадбирнинг қизғин палласида турибмиз: «Куллиёт»нинг 13-жилди китобхонлар қўлига етиб борди, қолган жилдлар ҳам тайёр ҳолда турибди.

Китоб юмшоқ , лекин нафис қоғоз муқовага олинган. Бош варағида луғатнинг номи — « Навоий асарлари учун қисқача луғат», кейинги варақда мусанниф - Ботирбек Ҳасанов, муҳаррир - Алибек Рустамов экани қайд қилинган. Қисқача киришдан сўнг Алишер Навоий асарларидан йиғилган сўз дурдоналари ва уларга берилган маънолар, яъни луғатнинг ўзи келади.

Луғатни бир мутахассис сифатида назардан ўтказиб борар эканман, беихтиёр касби корим табиати тақозоси билан йиллар давомида ҳосил қилинган қуникма кучи ўзини билдира бошлайди; луғатга тўғри баҳо бериш учун уни ўзига ўхшашларига қиёс қилиш керак. Бу жуда қулай, чунки Навоий асарлари тили учун иккита — бир ва тўрт жилдли луғат мавжуд. Бирини П.Шамсиев ва С. Иброҳимовлар 1976 йилда «Навоий асарлари луғати» деб,- кейингисини луғатнавислар гуруҳи 1983-85 йилларда Э. Фозилов иштироки ва таҳрири билан «Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» деб нашр қилганлар.

Мазкур луғатларнинг ҳар иккиси ҳам кам нусхада босилгани учун тез тарқаб, йиллар бўлдики, топиб бўлмайдиган камёб китоблар сирасига кириб қолди. Навоий «Куллиёт»ининг аввалги китобларини китобхонлар ўқий бошлагани муносабати билан Навоий луғатига эҳтиёж яна ортиб борди. Ҳозирги кунда турли нашриётлар томонидан чоп этилаётган эски ўзбек адабиёти намуналарини ўқиб мағзига етиш учун ҳам Навоий луғатлари зарур бўлиб қолмоқда.

Навоий асарлари учун «Қисқача луғат» олдинги икки луғатдаги чуқур илмийликдан холи, чунки у кенг китобхонлар учун тузилган. Бунинг кўзга кўринарли белгиси «Қисқача луғат»да этимологик, грамматик ва бошқа қайдларнинг йўқлигидир. Шунинг ҳисобига ва айниқса, «келмак», «турмак», «қўл», «бел», «қизил», «кўк» каби ҳаммага тушунарли минглаб сўзлар эмас, балки ҳозирги кунда тушунилиши қийин бўлиб қолган арабий, форсий ва қисман, унутилаётган туркий сўзларгина луғатга киритилгани уни муўжаз китобга айлантириш имконини берган. Бунга эришишда сўз маъноларининг тасдиғи учун мисоллар келтиришнинг чегаралангани ҳам қўл келган. Чунки ўқувчи «Қисқача луғат»га Навоий асарларини ўқиш жараёнида, у ёки бу сўзни тушунмаган тақдирда мурожаат қилади. Луғатдан топилган сўзнинг маъно тасдиғи учун мисол унинг қўлида, яъни Навоий «Куллиёт»идир.

Илгариги икки луғатга кирмай қолган талайгина сўзларнинг янги луғатдан ўрин олгани мутахассис олимлар учун ҳам янгилик бўлди.

Луғатнинг кириш қисмида арабча сўзлар таркибидаги ўзбек тилида ўхшашлари йўқ баъзи товушларнинг луғатда берилиш йўл-йўриқлари кўрсатилгани уни нашр қилишда сўзларнинг араб ҳарфлари билан ёзилишини келтирмаслик имконини берса-да, сўзларнинг арабча кўринишда ҳам ёзилгани луғатнинг қулайлигини яна ҳам оширган.

Унлиларни ифодалашда Навоий тилининг қонуниятларига таянилгани классик адабиёт бўйича тузилажак луғатлар учун ижобий ўрнак бўлишига ишончим комил. Ўйлайманки, Навоий асарларининг матнлари ва уларга тузилган луғатларда «иё», «ёёқ», «манго», «санго» каби сўзларни талаффуз қилиш мушкулликлар туғдиради. Баъзида бундай сўзлар тил айланмаслик даражада қийин. Амаллаб талаффуз қилинганда ҳам , ёқимсизлиги қулоқ кесгандек оғир бўлади. Шунинг учун ҳам луғатда Навоий тилининг қонунияти асосида туркий сўзлардаги алиф ва фатҳа (сўзларнинг иккинчи бўғинидан бошлаб) «а» ҳарфи билан ифодаланган. Бу қоида қандайдир сабаб билан тўғри шаклга ҳавола билан ўз ўрнида келтирилган. Масалан; иё тўғриси ийа. Мисолдан кўриниб турибдики, унли ҳарфларнинг йо ҳарфи билан бирикмаси ҳам «ё», «я», «ю» эмас, балки йо, йа, йу тарзида келади.

Навоий асарлари матнлари ва олдинги икки луғатда маълум ва номаълум сабаблар билан хатоларга йўл қўйилганини кўпчилик билади. Мана шундай хатоларнинг кўпи «Навоий асарлари учун қисқача луғат»да яхши лексикографик йўл билан тузатиб утилган. Шуниси маъқулки, луғатда «тўғриси» деб берилган сўзлар ўз ўрнида мисол билан тасдиқланган. Масалан, «интиқош» луғат мақоласида сўзнинг тўғриси «интиош» экани кўрсатилиб, ушбу сўз ташкил қилган луғат мақолага ҳавола қилинади; интиош соғайиш, кайфиятнинг кўтарилиши: **Табъи ул манзилда топгач интиош,кўрди чашма бошида бир тахта тош.**

Луғат мақолада келтирилган ушбу мисолдаги « интиош» сўзи тўрт жилдли луғатда «интиқош» деб хато берилган. Бундай тузатиш ўринлари луғатда талайгина.

Ушбу луғат Алишер Навоий асарлари учун шоир ҳали ҳаётлик пайтларидан бошлаб, то XIX аср охиригача дунёга келган нодир, қадимий қўлёзма луғатлар асосида тузилгани кўзга ташланиб туради. Шунинг учун бўлса керак, янги луғат олдинги луғатларда эркинлик билан йўл қўйилган субъектив характердаги ортиқчаликлардан ҳолидир.

Луғатга мурожаат қилган сайин, уни луғатнавислик ишининг қадимий анъаналарига асосланган энг замонавий, лекин содда ва қулай усуллари билан тузилганини сеза борасан, киши. Луғатнинг соддалиги табиий бир ҳол, чунки луғат мактаб ўқувчилари, талабалар, зиёлилар, шунингдек, Навоийни севувчи ва уни ўқиб тушунишни истайдиганлар учун мўлжалланган. У асосан, Навоий тилидаги ўн мингдан ортиқ арабча ва форсча сўзлардан иборат бўлганлиги учун ҳозирги кунда катта эҳтиёж сезилаётган «Арабча-ўзбекча» ва «Форсча-ўзбекча» луғатлар вазифасини ҳам ўташи мумкин.

Хуллас, луғатлар қиёсининг дастлабки натижалари « Навоий асарлари учун қисқача луғат» «... аввалгиларига ўхшамас»лиги билан ажралиб турибди. Луғатнинг ўзига баҳо беришда, «пухта» ва «фойдали» сифатларини қўллаш жоиздир.

Навоий асарлари учун учинчи луғат чиқди. Уни Навоий асарлари луғатларининг сўнггиси деб бўладими? Йўқ, асло. Аксинча, мазкур луғатдан фойдаланиш жараёнида у олдинги луғатларни тўлдиришда муҳим аҳамият касб этади. Демак, «Навоий асарлари учун қисқача луғат» луғатнавислар олдида янги истиқболли йўналиш очиб бермоқда. Муаллимлар ва ўқувчилар учун мўлжалланган луғатлар ҳам пайдо бўлишига йўл очилади. Шунда аждодлар яратган маънавий бойлик ҳамма учун бирдек тааллуқли ва тушунарли бўлади.

Шукур ЖОНБОЕВ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА XX АСРНИНГ СЎНГГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

Sport maydonchasi

МЕЗБОНЛАР ЧЕМПИОН

Оддий мухлисдан тортиб, мутахассислару фолбинларнинг, ҳатто компьютерларнинг башорати ва тахминларини пучга чиқариб, бу галги чемпионатда мезбонлар Франция терма жамоаси бразилияликларни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бу ғалаба Франция терма жамоаси футболчиларига бир йўла иккита ёрлиқни, яъни мамлакат футболи тарихида биринчи бор, XX асрнинг сўнгги чемпионлари деган унвонни ҳадя этди.

ИШҚИБОЗЛАР 8 МИЛЛИАРДГА КЎПАЙДИ

Бу галги футбол бўйича жаҳон чемпионатида бўлиб ўтган 64 та ўйинни дунё бўйича 40 миллиард ишқибоз томоша қилишибди. Бу кўрсаттич 1994 йилда АҚШда бўлган чемпионатда 32 миллиардни ташкил этган эди.

ТЎПУРАР ШУКЕР

Чемпионат давомида ўзининг қойилмақом ўйинлари билан илк бор тилга тушиб, 3-ўринни эгаллаган Хорватия терма жамоаси ўйинчиси Шукер (6 та гол) тўпурарлар баҳсида биринчи, унинг изидан эса аргентиналик Батистута (5 та гол), италиялик Виеер тизилди.

АВЕЛАНЖНИНГ СЎНГГИ ВАЗИФАСИ

ФИФАнинг собиқ президенти Жао Авеланж футбол бўйича жаҳон чемпионатининг амалдаги асрдаги сўнгги якунида ўз вақтидаги сўнгги вазифасини адо этди. У жаҳон кубогини Франция Президенти Жак Ширакка топшириб, совриндорларга олтин, кумуш ва бронза нишонларини тақдим этди.

XXI АСРНИНГ БИРИНЧИ ЧЕМПИОНАТИ

Шимолий Кореяда ҳам бўладими?

Журналистларнинг ушбу нозик саволига ФИФАнинг вице президенти Блаттер қуйидагича нозик жавоб берди: агар олдиндаги тўрт йил давомида бу мамлакат Жанубий Корея билан бирлашса ўз-ўзидан у ерда ҳам чемпионат ўйинлари бўлиши табиий ҳол.

«Золотинка» болалар ёзги дам олиш оромгоҳи Ургутнинг энг хушманзара ва боҳаво гўшаларидан саналади. Ўзбекистон Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва Касаба уюшмалари федерацияси Самарқанд вилоят бўлими ҳамкорликда ташкил этган бу оромгоҳда ёз мавсуми давомида халқимизнинг 1500 нафар ўғил-қизи дам олишади.

Оромгоҳда барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Бассейн, турли аттракционлар, спорт майдончалари ва бошқалар болажонлар ихтиёрида.

Суратларда: Оромгоҳда ўғил-қизлар бўш вақтларини ана шундай сермазмун ўтказишади.

Сурат муаллифи: Т. НОРҚУЛОВ. (ЎзА).

Ko'ngil bitiklari

СОҒИНЧ

Олисдасан, тунларни бедор,
Кунлар санаб ўтаман, жоним.
Эрта тонгми ё ойдин кеча
Фақат сенсан фикру хаёлим.

Муҳаббатни тараннум этган,
Куй таралса зимдан тинглайман,
Соғинч қурғур дилни тирнайди,
Ёнгинангда бўлсайдим, дейман.

Суратингга тикилиб аста,
Сен-ла гаплашгандай бўламан,
Афсус, бир дам ўтмай қайтадан
Яна сенсиз ёлғиз қоламан.

Ўтар оқшом, ўтади қалбим
Соғинч билан ўртаган кунлар.
Сен бахтимсан, сенсан ишончим,
Дийдор кўришмакка интизор диллар.

Шоира РАФИҚОВА
Яккасарой туманидаги 118-мактаб ўқитувчиси

СЕВАМАН

Шу бир оғиз сўзни ҳам,
Айтолмадинг тилим-а?
Бир умрга бошқа бўлди,
Менинг муштоқ дилим-а?

Энди бошқа туйғуга,
Бойланади бу бошим.
Ширин висол қайғуга,
Айланади кўз ёшим.

Қўлимдаги гулларни,
Узатдим мен армонга...
Ўртадаги йўлларни,
Никоҳладим ҳижронга...

Саодат ОЛИМОВА

Xullas...

ҚОРАМОЙ ТУФАЙЛИ

Полтаванинг сершовқин, гавжум кўчаларидан бири. Машиналар «сув»дек оқади, нимаям дейсиз, шовқинли дунё.

Ана шундай серқатнов, кўчаларнинг ўртасида ҳассасига суянганча, қоққан қозиқдек турган бир чол имо-ишора билан ҳайдовчилардан кечирим сўрарди. У ўрнидан жиладиган аҳволда эмас. Шофёрлар тааҳжубда, айримлари кўрсаткич бармоқларини бошига нуқиб, «етишмайди шекилли» дегандек уни четлаб ўтишарди.

Шўрлик чол йўлсозлар томонидан қолдириб кетилган қорамой туфайли у ёқ бу ёққа қимирлолмас, оёқ кийими ўша жойга ёпишиб, қотиб қолганди. Агар ДАН ходимлари етиб келиб, қарияга ёрдам қўлларини чўзмаганларида, ажалидан беш кун бурун дорилбақога рихлат қилиши аниқ эди.

Чолнинг оёқ кийимини бир амаллаб жойидан «кўпоришди».

ИТНИНГ МУШУКЛАРГА МЕҲРИ

Бизда «ит-мушук» деган ибора бор. Уларни бир-бирига душман ҳисоблашади. Аслида эса...

Афанасьева қишлоғида истиқомат қилувчи Морозовлар оиласининг вакили Динка исмли ит ўлик бола туғди. Жонивор бунинг учун сиқилиб баъзан ҳовлидан чиқиб кетар, афтидан боласини қўмсарди.

Боласидан айрилган ит инига ҳеч кимни йўлатмас, акиллаб гўёки ниманидир «ҳимоя» қиларди. Ниҳоят бир куни уй бекаси итнинг уясига яқинлашиб, бутун бошли мушуклар тўдасига кўзи тушди.

Шуниси аниқки, янги туғилган мушук болаларини кимдир кўчага олиб чиқиб ташлаган. Айрилиқ доғида юрган ит эса бу мушукларни битталаб уясига ташиган...

ana shunaqa gaplar

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-КОММУНАЛ КОЛЛЕЖИ

1998-1999 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

I. КУНДУЗГИ БЎЛИМ

1. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш.
2. Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили.
3. Тижорат фаолияти.
4. Сув таъминоти ва оқава тармоқлари ускуналаридан фойдаланиш.
5. Шаҳар электр транспортини ишлатиш, таъмирлаш ва электр қуввати билан таъминлаш.
6. Бино ва иншоотларнинг электромеханик ускуналари ва автоматик қурилмалари.
7. Ёғочга ишлов бериш технологияси.
8. Меъморчилик.
9. Бино ва иншоотларни қуриш, улардан фойдаланиш.
10. Қурилиш буюмлари ва темир-бетон ускуналарини ишлаб чиқариш.
11. Газ таъминоти тизими ускуналаридан фойдаланиш.
12. Вентеляция ва ички санитария техника тизими ишлатиш жиҳозларини ўрнатиш.
13. Кўкаламзорлаштириш, боғ ва хиёбонлар хўжалиги.

II. КЕЧКИ БЎЛИМ

1. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш.
2. Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили.
3. Ёғочга ишлов бериш технологияси.
4. Бино ва иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш.

III. СИРТҚИ БЎЛИМ

1. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш.
2. Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили.
3. Сув таъминоти ва оқава тармоқлари ускуналаридан фойдаланиш.
4. Ёғочга ишлов бериш технологияси.
5. Бино ва иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш.
6. Қурилиш буюмлари ва темир-бетон ускуналарини ишлаб чиқариш.
7. Газ таъминоти тизими ускуналаридан фойдаланиш.

Ўқишга кирувчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Коллеж директори номига ариза.
2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
3. 0-86 У қуринишдаги тиббий маълумотнома.
4. 3x4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат.
5. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси кўрсатилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилиб, 9 ва 11 синф маълумотига эга бўлган йигит-қизлар қабул қилинади. Коллежда ўқувчиларга ўрнатилган тартибда оддий ва имтиёзли стипендиялар берилади. Бошқа шаҳар ва вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32.

Телефонлар: 144-24-42, 144-61-80.

Барча турдаги транспортларнинг «Хамза» театри бекати.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИДАГИ ЮНЕСКОНИНГ «БИРЛАШГАН ЖАҲОН МАКТАБЛАРИ» ТАСАРРУФИГА КИРУВЧИ 309-ШАРҚ ТИЛЛАРИ ЛИЦЕЙИ 1998-99 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Лицейга 8-синфни аъло ва яхши баҳоларга тугатиб, намунали хулққа эга бўлган, ҳамда шарқ тиллари ва инглиз тилини пухта ўрганишга иштиёқи бўлган ёшлар тест синовлари ва махсус суҳбат ўтказиш йўли билан танлов асосида қабул қилинади.

Лицейга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

1. Ариза.
2. Фотосурат (3x4 ҳажмда) 6 дона.
3. Маълумоти ҳақида ҳужжат.
4. Соғлиғи ҳақида 0-86 У формадаги маълумотнома.
5. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома нусхаси.

Қабул комиссияси 1 июлдан 31 июлгача ишлайди.

Тест синовлари ва махсус суҳбатлар 5 августдан 20 августга қадар ўтказилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Очил Бобожонов 20-уй.

Транспорт: 85, 100, 88, 10,- автобуслар, 14-троллейбуснинг Шимолий Олмазор бекати.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейи 1998-1999 ўқув йили учун республика мактабларининг 8-синфини битирган истеъдодли ва ижодкор ўқувчилар учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбек тили, адабиёт, инглиз тили, тарих, санъатшунослик, араб тили, ЭҲМ, иқтисод, нотиқлик фанларини мукаммал ўрганиб, келажакда етук мутахассис бўлишни ва Ўзбекистоннинг тараққиёти учун хизмат қилишни истасангиз бизнинг лицейга

МАРҲАМАТ!

Лицейда қуйидаги бўлимлар мавжуд:
— адабиёт ва сухандонлик;
— тарих ва ҳуқуқшунослик;
— санъатшунослик;
— иқтисод ва инглиз тили.

Лицейда махсус фанлардан дарсларни олий ўқув юртларининг малакали педагоглари ва чет эл мутахассислари замонавий таълим ва технология воситасида олиб борадилар.

Лицейда ўқувчиларнинг илм олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, булар: кутубхона, ўқув заллари, махсус инглиз кутубхонаси, замонавий ўқув видео-аудио, техник хоналари мавжуд.

Лицейда қуйидаги тўгараклар: ўймакорлик, миниатюра, нақкошлик, мусиқа асбобларини ясаш, расм ва фан тўгараклари мавжуд.

Лицейга ўрта мактабнинг 8-синфини тугатган ва қобилиятли ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади. Тажриба тариқасида санъатшунослик бўлимига 7-синфни битирган қобилиятли ўқувчилар синов асосида қабул қилинади.

Танлов 5 августдан 15 августгача ўтказилади. Ўқувчилар психологик тест ва мутахассислиги бўйича фанлардан имтиҳон топширадилар.

Ўқишга кирувчи ўқувчилардан имтиҳонда қатнашиш учун 1 июлдан бошлаб 2 та расм (3x4), туғилганлик ҳақида гувоҳнома қабул қилинади.

Танлов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб лицейга қабул қилинган ўқувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

1. Лицей раҳбари номига ариза.
2. 1—8 синф табеллари.
3. 4 та фотосурат (3x4).
4. Мактабдаги тиббий картаси.

Ўқишга қабул қилинган талабалар бепул ётоқхона, 4 маҳал овқат ва кийим-бош билан тўла таъминланадилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» кварталы. Метронинг «Чилонзор» бекати.

Мурожаат учун телефонлар: 76-59-50, 76-59-00

Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги ўрта мактаб томонидан Фарҳод Ўроқов номига берилган 489125 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

***

Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги 25-ҳунар-техника билим юрти томонидан Тошхўжаев Шуҳрат Рихсибоевич номига 1988 йилда берилган АУ № 098930 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси республика ўқувчилар саройининг собиқ директори РОЮК Вера Владимировна вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 243-мактаб жамоаси шу мактабнинг илмий бўлим мудири Малоҳат Муҳаммаджоновага ҳамда тарих фани ўқитувчиси Нодира Мирзаахмедова ва меҳнат фани ўқитувчиси Саодат Ҳошимовага отаси Хусомиддин ТУРОПОВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

«Маърифат» газетаси жамоаси шу газетанинг собиқ бўлим муҳаррири Ғафур Маннопов укаси Саттор МИРЗАХЎЖАЕВ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Яккасарой туман халқ таълими бўлими ва 73-мактаб жамоаси олий тоифали мактаб кутубхона мудири САТТОРХЎЖА МИРЗАХЎЖАЕВА вафоти муносабати билан оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳридаги 13-касб-ҳунар мактаби жамоаси шу касб-ҳунар мактабининг ишлаб чиқариш устаси Неъматулла Раҳмоновга отаси Қудратилла РАҲМОНОВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ

Газетани IBM компьютерида Лилия Бинашева ва Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0175. Тиражи 26234. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6